

Ёшлар билан учрашув бўлиб ўтди



Ёшлар бандлиги – бу давлат аҳамиятига молик масала, чунки айнан ёшлар мамлакат кадрлар салоҳиятини ташкил қиласиди.

Ёшлар бандлигини таъминлаш давлат ижтимоий-иктисодий сиёсатининг долзарб ва узоқ муддатли вазифаси саналади. Бугунги кунда инсон салоҳиятининг рақобатбардошлигини ошириш кўп жиҳатдан ёшлар меҳнатидан фойдаланиш ҳар бир соҳасидаги миллий стратегияга боғлиқ.

Ёшлар – бу мамлакат келажаги эканлиги ва бутун жамиятнинг истиқболдаги ривожланиши улар фаолиятининг бошланғич шароитларига боғлиқлиги билан белгиланади.

Ишлаб чиқариш ташкилотларида яратилган бошланғич шароитлардан хабардор қилиш, битирувчи ёшларни ишга жойлашишида қўмаклашиш, қолаверса, йўл соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг моҳиятини талабаларга етказиш мақсадида 14 апрел куни Тошкент давлат транспорт университетида Автомобиль йўллари қўмитаси ва унинг тизим ташкилотлари ҳамда университет талабалари билан "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" доирасида талабаларни йўл соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар, бунёдкорлик ишлари билан яқиндан таништириш ҳамда битирувчи ёшларни ишга жалб қилишда ҳамкорлик масалаларида учрашув бўлиб ўтди.



Учрашув давомида Йўл хўжалиги соҳасида олиб борилган ишлар, ёшларга берилаётган алоҳида эътибор ва уларга яратиб берилаётган қатор имкониятлар ҳақида сўзлаб берилиб, талабаларнинг қизиктирган саволларига жавоб берилди.



Учрашув якунида соҳага бўлган қизиқишини янада ошириш мақсадида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва ўқиш давомида ўз фаоллиги билан тенгдошларидан ажralиб турган 50 нафар талаба ёшларга Қўмита томонидан эсдалик совғалар улашишди.

Автомобиль йўллари қўмитаси

Матбуот хизмати